

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида
расмий статистика тўпламларини расмийлаштириш бўйича
услугий тавсиялар**

Ушбу услубий тавсиялар давлат статистика органлари ходимлари томонидан расмий статистика тўпламларини ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, турли йиллик статистика тўпламларини ҳамда расмий статистика тўпламлари кўринишидаги бошқа нашрларни тайёрлашда қўлланилади.

Расмий статистика тўпламини тайёрлашнинг асосий мақсадларидан бири, фойдаланувчиларнинг сифатли расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга қаратилган.

Расмий статистика тўпламлари комплекс ёки маълум бир мавзуга қаратилган бўлиши мумкин ва аниқлаштирилган йиллик статистика ишланмалари асосида шакллантирилувчи рақамли маълумотларнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади.

Тўпламларга Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳар томонлама тавсифловчи тизимлаштирилган умумлаштирувчи статистика кўрсаткичлари жойлаштирилади ва одатда қатор йиллар учун жадвал ва график кўринишидаги материаллар тўпламини ўз ичига олади.

Давлат статистика органлари томонидан тайёрланган статистика тўплами белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- муқова;
- титул варағи;
- мундарижа;
- матнли маълумот (сўзбоши, методологик тушунтиришлар);
- рақамли маълумот (жадваллар, график расмлар, хариталар);
- якунловчи қисм (қайдлар учун бўлим, якуний (охирги) титул варағи).

Шу билан бирга, статистика тўпламининг тўғри ишланган дизайни (муқова ва ички беағи) ўзига хос образ (фирма услуби)ни яратиши лозим, бунинг натижасида ахборотдан фойдаланувчи айнан шу тўпламни қўлига олишни, ўқишни ёки кўриб чиқишни хоҳлаши керак.

Муқовани расмийлаштириш ва унинг дизайни

Муқова – бу статистика тўпламининг энг муҳим график элементи бўлиб – биринчи навбатда эътибор қаратиладиган тўплам юзидир. Шунинг учун, унинг устида пухта ва ҳар томонлама ўйлаб ишлаш талаб этилади.

Муқова дизайни – бу ўзига хос санъатдир. Муқова беағи бўлажак ўқувчини ўзига жалб қила олиши керак бўлиб, у нафақат маълумот ташувчи, балки санъат асари ҳам бўлмоғи лозим.

Статистик тўпламни расмийлаштиришда дизайннинг умумий қоидаларига, шунингдек муқованинг асосий компонентлари ва шрифт талабларига ҳам амал қилиш керак.

Муқовада Давлат статистика қўмитасининг логотипи жойлаштирилган, тўпламни чиқарган статистика органи ҳақида маълумот, тўплам номи, чоп этилган жой ва йили кўрсатилиши лозим.

“Муқова” намунаси



Титул варағини расмийлаштириш

Титул варағи — статистика тўплами ҳақида асосий маълумотлар келтирилган биринчи саҳифадир. Шунингдек, бу элементни расмийлаштиришда амал қилиниши лозим бўлган қоидалар мавжуд.

Титул варағида тўплам номи, ташкилот ҳақида маълумот, нашр этилган жой, йил жойлаштирилади.

Титул варағини шакллантиришда Arial шрифтидан фойдаланилади.

Титул варағи ҳошияси қуйидагича бўлиши лозим:

A4 формати учун (210 мм x 297 мм) Китобий

Қарама-қарши ҳошиялар

Юқориги – 3 см Ички – 3,5 см

Пастки – 3,5 см Ташқи – 2 см

Колонтитуллар ҳошияси

Юқориги – 2 см Пастки – 2,5 см

A5 формати учун (148 мм x 210 мм) Альбомли

Қарама-қарши ҳошиялар

Юқориги – 2,5 см Ички – 17,5 см


Пастки – 2,5 см Ташқи – 1,5 см

Колонтитуллар ҳошияси

Юқориги – 1,5 см Пастки – 2 см

Титул варағининг ҳошиялари ва колонтитулларини расмийлаштириш бўйича юқорида кўрсатилган талаблар, шунингдек статистика тўпламининг кейинги саҳифаларини расмийлаштиришда ҳам қўлланилади.

“Титул варағи” намунаси



Мундарижани расмийлаштириш

Статистика тўплами “Сўзбоши” бўлимидан сўнг жойлаштириладиган “Мундарижа” бўлимига эга бўлиши керак.

“Мундарижа” сўзидан кейин тўплам тузилишига мувофиқ, асосий бўлимлар ва кичик бўлимлар номи кўрсатилади. Асосий бўлимлар номлари ярим қора (тўқ) шрифт билан ажратиб кўрсатилади.

Икки тилли матнлар иккита устунга жойлаштирилади. Чап томонда ўзбек тилидаги, ўнг томонда рус тилидаги, саҳифа тартиб рақамлари устунлар орасига жойлаштирилади.

“Мундарижа” намунаси

MUNDARIJA		СОДЕРЖАНИЕ	
So'z boshi	3	Предисловие	
SANOATNING ASOSIY IQTISODIY KO'RSATKICHLARI		ОСНОВНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПРОМЫШЛЕННОСТИ	
O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotining asosiy ko'rsatkichlari	4	Основные показатели экономики Республики Узбекистан	
Sanoatning asosiy ko'rsatkichlari	10	Основные показатели промышленности	
Sanoat ishlab chiqarish indeksi (grafik)	16	Индекс промышленного производства (график)	
Hududlar bo'yicha sanoat mahsuloti hajmi	17	Объем промышленной продукции по регионам	
Hududlar bo'yicha sanoat ishlab chiqarish indeksi	18	Индекс промышленного производства по регионам	
Respublika bo'yicha jami sanoat ishlab chiqarish hajmida hududlar ulushi	19	Доля регионов в общем объеме промышленного производства по республике	
Iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha sanoat mahsulotlari (tovarlar, xizmatlar) ishlab chiqarish hajmi	20	Объем промышленной продукции (товаров, услуг) по видам экономической деятельности	
Sanoat mahsulotining iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha fizik hajm indeksi	22	Индекс промышленного производства по видам экономической деятельности	
Sanoat mahsulotining iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha fizik hajm indeksi (grafik)	24	Индекс промышленного производства по видам экономической деятельности (график)	
Sanoat ishlab chiqarish tarkibida iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha mahsulotlarning ulushi	25	Удельный вес продукции по видам экономической деятельности в структуре промышленного производства	

Arial, ярим қора (тўқ)
A4 – 10 пт
A5 – 8 пт

Arial, ярим қора (тўқ)
A4 – 10 пт
A5 – 8 пт

Arial,
A4 – 10 пт
A5 – 8 пт

Матнли материалларни расмийлаштириш

Матнли маълумотлар: сўзбоши, методологик тушунтиришлар, шунингдек тўплам бўлимларига киритилган кўрсаткичларнинг асосий тенденцияси бўйича муҳим хулосаларни ўз ичига олади.

Матнли материални расмийлаштиришда хат бошилар эни бўйича текисланади, сатрлар орасидаги интервал – 6 пт қўлланилади, хат бошининг бошланғич сатрида 1 см жой ташлаб ўтилади.

Икки тилли матнни иккита устунга жойлаштириш керак. Чап томонга ўзбек тилидагини, ўнг томонга рус тилидагини.

Тўплам саҳифаларининг колонтитуллари расмийлаштиришда Arial шрифтидан фойдаланилади. Юқори колонтитулда – бўлим номи, пастки колонтитулда – тўплам номи кўрсатиб ўтилади (тоқ саҳифа – ўзбек тилида, жуфт саҳифа – рус тилида).

Сўзбоши титул варағидан сўнг жойлаштирилади, шу билан бирга, саҳифаларга тартиб рақамини қўйиш учинчи саҳифадан бошланади ва саҳифанинг пастки ўнг томонида кўрсатилади.

Сўзбоши тўпламда келтирилган статистика кўрсаткичларининг қисқача моҳиятини тушунтиришдан иборат бўлиши керак.

Агар тўпламда ўлчов бирликларининг қисқартмаси, қисқартма сўзлар ва ҳ.к.лардан фойдаланилган бўлса, улар шунингдек “Сўзбоши” бўлимида кўрсатилади.

“Қисқартма” намунаси

Qisqartmalar:

Сокращения:

ming		тыс.	тысяча
million	mln.	млн.	миллион
milliard	mlrd.	млрд.	миллиард
metr kvadrat	m ²	м ²	квадратный метр
metr kub	m ³	м ³	кубический метр
dona		шт.	штука
nusxa		экз.	экземпляр
birlik		ед.	единица
gigakaloriya	Gkal	Гкал	гигакалории
tonna	t	т	тонна
shahar	sh.	г	город
shartli banka	sh.b	уб.	условных банок
ming shartli banka	mshb.	тыб.	тысяч условных банок
dekalitr	dal.	дал	декалитр
AQSh dollari	doll.	долл.	долларов США
kilovatt-soat	kVt/s	кВт. ч	киловатт-часов
gigavatt	GVt	ГВт	гигаватт

Arial, ярим кора (тўк)

A4 – 12 пт

A5 – 10 пт

SO‘Z BOSHI

Nashrda hisobot davri uchun statistik ko'rsatkichlar Yevropa hamjamiyatining Iqtisodiy faoliyat turlari statistik tasniflagichiga (NACE Rev.2) asoslangan O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy faoliyat turlari umumdavlat tasniflagichi (IFUT-2) bo'yicha shakllantirilgan va taqdim etilgan.

Arial,

A4 – 10 пт

A5 – 8 пт

Shu bilan birga, mavjud IFUT-2 faoliyat turlaridan foydalanishda IFUT-2 talablari qo'llanilgan. Xususan, foydalanilayotgan yoki qayta ishlanayotgan mahsulotlarni ularning yangi turlariga qayta shakllantirishga yo'naltirilgan barcha faoliyat turlari ishlab chiqarish jarayonlariga kiritilgan: tog'-kon sanoati va ochiq konlarni ishlash, qayta ishlab chiqarish sanoati, elektr, gaz, bug' bilan ta'minlash va havoni konditsiyalash, suv ta'minoti, kanalizatsiya tizimi, chiqindilarni yig'ish va utilizatsiya qilish, qurilish (tasniflagichning B,C,D,E,F sektsiyalari). Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini, iqtisodiyot tarmog'i sifatida talqin qilishdagi tafovutni bartaraf etish maqsadida, yangilangan tasniflagichda qishloq xo'jaligi faqatgina dextqonchilik va chorvachilik mahsulotlarini ishlab chiqarishni o'z ichiga olmay, balki o'rmon va baliq xo'jaliklari mahsulotlarini ham o'z ichiga oladi (Sektsiya A "Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi").

Shuningdek, xalqaro statistika amaliyotiga muvofiq, iqtisodiy trendlarni yanada aniqroq tahlil qilish maqsadida, Yalpi ichki mahsulot tuzilmasidagi iqtisodiy faoliyat turlarining ulush ko'rsatkichlari yalpi qo'shilgan qiymatga nisbatan keltirilgan (ya'ni, Yalpi ichki mahsulotlarga soliqlar chiqarib tashlangan).

Arial, ярим кора (тўк),

курсив

A4 – 10 пт

A5 – 8 пт

ПРЕДИСЛОВИЕ

В настоящей публикации статистические показатели за отчетный период сформированы и представлены в структуре Общегосударственного классификатора видов экономической деятельности Республики Узбекистан, (ОКЭД-2), основанном на Статистической классификации видов экономической деятельности в Европейском Сообществе (NACE Rev.2).

И в этом, в соответствии с ОКЭД-2 меняются границы существующих видов экономической деятельности. В частности, отнесены к производственным процессам все виды деятельности, направленные на преобразование используемых или перерабатываемых продуктов в новые их виды: горнодобывающая промышленность и разработка карьеров, обрабатывающая промышленность, электроснабжение, подача газа, пара и кондиционирование воздуха, водоснабжение, канализация, сбор и утилизация отходов, строительство (секции B,C,D,E,F классификатора).

В целях устранения различий в толковании границы сельскохозяйственного производства, как отрасли экономики, в обновленном классификаторе сельское хозяйство объединяет в себя не только производство продуктов растениеводства и животноводства, но и производство продуктов лесных и рыбных хозяйств (секция A «Сельское, лесное и рыбное хозяйство»).

Также, в соответствии с международной статистической практикой, в целях более точного анализа экономических трендов долевые показатели видов экономической деятельности в структуре ВВП и добавленной стоимости исключают влияние налогов на продукты из объема

Arial, ярим кора (тўк),

A4 – 10 пт

A5 – 8 пт

Услубий тушунтиришлар – статистик тўпламнинг зарурий қисмидир. Ушбу бўлимда тўпламга киритилган асосий кўрсаткичлар тавсифи жойлаштирилиб, зарур ҳолларда уларни ҳисоблаш методикаси ёки маълумот олинган манбалар келтирилади.

Агар тўплам комплекс хусусиятга эга бўлиб, бир нечта тармоқни қамраб олган бўлса, ҳар бир янги бўлим услубий тушунтиришлардан бошланиши керак. Агар тўплам бир тематик йўналишга эга бўлса, услубий тушунтиришлар янги саҳифадан бошланади ва асосий (жадвал, график кўринишдаги) материалдан олдин жойлаштирилади.

Тушунтиришларни расмийлаштириш қуйида келтирилган намунага мувофиқ амалга оширилади.

“Методологик тушунтиришлар” намунаси

USLUBIY TUSHUNTIRISHLAR	МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОЯСНЕНИЯ
Narxlar statistikasi bu – iqtisodiyotning turli sohalaridagi subyektlarning narx hatti-harakatlarini o'rganadigan iqtisodiy statistika sohasi.	Статистики цен – отрасль экономической статистики, изучающая ценовое поведение субъектов в различных секторах экономики.
Narx – tovar birligi miqdori uchun ma'lum bir valyuta (milliy yoki xalqaro) pul birligida ifodasi.	Цена – выражение стоимости товара в денежных единицах определенной валюты (национальной или международной) за количественную единицу товара.
Qiyosiy narx – aynan bir savdo obyekti va pullik xizmat sohasida ro'yxatga olingan aynan bir yoki sifati bo'yicha aynan o'xshash tovar (xizmat, mahsulot turi) narxi.	Сопоставимая цена – цена, зарегистрированная в одной и той же базовой организации на один и тот же или аналогичный по качеству товар (услугу, вид продукции).
Narx darajasi – muayyan bir hududda, xuddi shu xususiyatlari bilan tovar va umumiy tarkibida narxlarning holatini tavsiflovchi ko'rsatkich. Narxlar darajasini baholash narxlarni statistik o'rganish bosqichlaridan biri bo'lib hisoblanadi.	Уровень цен – показатель, характеризующий состояние цен за определенный период времени, на определенной территории, по совокупности товаров и товарных видов с близкими потребительскими свойствами. Оценка уровня цен – один из этапов в статистическом изучении цен.
O'rtacha narx – ma'lum vaqt yoki makondagi bir turga mansub tovarlar guruhidagi narxlarning o'zgarishini umumlashtirish xarakteridagi narx. Statistik tajribalarga asosan, dastlabki ma'lumotlar hamda ularning shakllantirish tartibiga ko'ra o'rtacha narxlarni hisoblashning turli usullari mavjud.	Средняя цена – обобщающая характеристика для цен однородной товарной группы, варьирующих во времени или пространстве. В статистической практике имеют место разные способы расчета средних цен, выбор которых зависит от наличия исходной информации и способа ее сбора.
Ro'yxatga olish narxi – sifati, sotish shartlari va davr oraliq'i aniq belgilangan muayyan bir tovar, mahsulot yoki xizmat turiga to'langan pul birligi miqdori.	Цена регистрации – количество денежных единиц, уплаченных за конкретный вид товара, продукции или услуги, качество, условия продажи и период времени для которых четко определены.

Жадвалларни тузиш ва расмийлаштириш

Статистик жадвал – бу бир ёки бир нечта белгилари бўйича гуруҳланган бирликлар мажмуининг йиғма рақамли тавсифини ўз ичига олган, рақамли материални тизимлаштирилган ҳолда оқилона ва яққол баён қилиш шаклидир.

Жадваллар маълумот учун ёки кўргазмали бўлиши мумкин.

Маълумот учун жадваллар – бу ўз ичига катта миқдордаги батафсил кўрсаткичларни олган, шу жумладан улар асосида фойдаланувчиларга мустақил равишда ўз таҳлилий жадвалларини тузиш имконини берувчи интерактив маълумотлар базаси кўринишидаги йирик жадваллардир.

Кўргазмали жадваллар асосий рақамларга эътиборни тортиш учун фойдаланилади ва қисқача, яхши ташкиллаштирилган ҳолда тақдим этилади.

Статистика тўпламлари одатда кўргазмали жадвалларни ўз ичига олади, бунда битта йирик жадвалдан кўра, унчалик катта бўлмаган бир нечта ўзаро узвий боғлиқ жадвалларни тузиш мақсадга мувофиқ.

Агар тўпламга бир бетдан кўпроқ жойни эгаллайдиган жадвални жойлаштириш керак бўлса, кейинги бетда устун сарлавҳаси такрорланади, жадвалнинг ўнг томондаги юқори қисмида эса *“Давоми”* сўзи курсив билан ёзиб қўйилади.

Статистик жадваллар бешта асосий қисмдан ташкил топган:

- жадвал номи
- устунлар сарлавҳаси
- сатрлар сарлавҳаси
- маълумотлар майдони
- эслатма, изоҳ.

Статистик жадвалларни тузишда қуйидаги асосий талабларга амал қилиниши лозим.

Жадваллар, устунлар ва сатрларнинг номи аниқ, ихчам ва лўнда бўлиши керак ва ҳеч қандай қисқартмаларсиз (умум қабул қилинган қисқартмалар ёки қисқартма сўзлардан ташқари) тўлиқ кўрсатилиши керак.

Агар маълумотлар бир йил учун тақдим қилинган бўлса, жадвал номида маълумотларнинг қайси даврга тегишлилиги кўрсатилади.

Агар жадвалда келтирилган маълумотлар мазмун жиҳатидан айнан бир ўлчов бирлигида ифода қилинган бўлса, тегишли ўлчов бирлиги жадвалнинг номидан кейин кўрсатилади (кичик ҳарфлар билан, қавс ичида, сатр марказига тўғрилаб).

Жадвал устунлари сарлавҳасини икки қатордан оширмасликка ҳаракат қилиш керак, устунларнинг ўзи эса бир текисда, бир биридан узоқлашиб кетмаган ҳолда жойлашиши керак. Жадвалларда рангли фонлардан фойдаланилмайди.

Устун ва сатрлар сарлавҳасидаги матнли маълумотлар кичик ҳарфларда биринчи ҳарфи бош ҳарфда келтирилади, устун ва сатрлар сарлавҳасидаги алоҳида сўзларни курсив билан белгилашга йўл қўйилмайди.

Қисқартма сўзлар, шунингдек фоиз белгиси, рақам ва бошқалар, улар тегишли бўлган сўз ва рақамлардан ажралиб бошқа сатрга кўчиб қолмаслиги керак (масалан, 10%, 2021й. ва ҳ.к).

Ёзилишида дефис ишлатилган сўзлар (январь-март, никел-кобалтли) бирга (очиқ жойсиз) кўрсатилади. Шу билан бирга, млн. сўм, млн. тонна, млрд. км. каби ибораларда очиқ жойдан фойдаланилади.

Жадвал устун ва сатрларининг сарлавҳасида “шу жумладан”, “маълумот учун”, “улардан” ибораларидан фойдаланилганда, икки нуқтадан фақат сатр сарлавҳаларидаги бир гуруҳ кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлгандагина, яъни асосий ва бўйсинувчи сатрлардан иборат бўлганда (масалан, республика бўйича маълумотлар, шу жумладан ҳудудлар кесимида) фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини тавсифловчи жадвални шакллантиришда, биринчи сатрда “Ўзбекистон Республикаси”, сўнгра “Қорақалпоғистон Республикаси”, алфавит тартибида республика вилоятлари, охирида Тошкент ш. кўрсатилади. Янада аниқлаштирилган жадвалларда (шаҳарлар, туманлар кўрсатилганда), аввал вилоят, сўнгра шаҳар ва туманлар алфавит тартибида кўрсатилади.

Жадвалнинг маълумотлар майдонида тўлдирилмаган қийматликлар бўлмаслиги лозим, бунда стандарт шартли белгилардан фойдаланиш керак:

“ – ” (тире) – агар ушбу ҳодиса мавжуд бўлмаса;

“ ... ” (кўп нуқта) – агар маълумот мавжуд бўлмаса;

“ 0,0 ” – агар маълумот мавжуд бўлсаю, лекин рақамли қиймати жадвалда қабул қилинган аниқликдан кичкина бўлса;

“ х ” – агар ушбу катак умуман тўлдирилмайдиган бўлса, шу белги қўйилади.

Маълумотлар майдонида ўнлик касрлар даражасининг минимал сонидан фойдаланиш керак. Шу билан бирга, айнан бир устун ёки сатрдаги рақамларни яхлитлашни бир хил даражадаги аниқликда бажариш керак (одатда, бутун сонгача ёки ўнликгача).

Агар кўрсаткич фоизда ифодаланган бўлса, катта сонларни “шунча марта” ибораси билан алмаштириш керак: $206\% = 2,1\text{м.}$

Жадвал тузишда “корпоратив услуб”ни яратиш учун, шунингдек унинг дизайнига қўйилган талабларга риоя қилиш керак.

Жадвал дизайнини расмийлаштиришда ва форматлашда махсус контекстли менюдан фойдаланиш лозим, “пробел” тугмасидан фойдаланган ҳолда қийматларни текислашга, сўзларни бошқа сатрга ўтказиш учун мажбурий бўғинларга бўлишга йўл қўйилмайди ва ҳ.к.

Жадвал устунлари сарлавҳалари марказ бўйича текисланади (вертикал ва горизонтал бўйича).

Сатр сарлавҳалари чап томон ва марказ бўйича текисланади.
Бўйсинувчи сатрлар абзац ташлаб белгиланади.

Бўйсинувчи сатрларнинг (иккинчи, учинчи даражадаги) номи, агар улар юқори турувчи сатр билан битта гапни ташкил қилса кичик ҳарф билан бошланади, агар ўзи мустақил гапни ташкил қилса бош ҳарф билан бошланади.

Маълумотлар майдонида рақамли қийматлар горизонтал ва вертикал чизик бўйлаб марказ бўйича текисланади. Якуний сатрлардаги рақамли қийматлар ярим қора (тўқ) шрифт билан белгиланади.

Эслатма ёки изох матни жадвалнинг чапки пастки қисмига, горизонтал чизиқ остига жойлаштирилиб, бош ҳарф билан бошланади, курсив билан ажратилади, чап томонга текисланиб, ибора якунида нукта қўйилади.

Жадвалдаги изоҳларга тартиб рақами қўйиб, уларни кавс билан ёпиш керак (масалан, “¹⁾ ²⁾”).

“Жадвал” на мунаси

Sanoat ishlab chiqarish asosiy fondlari		Промышленно-производственные основные фонды			
Sanoat korxonalarining asosiy fondlari ¹⁾		Основные фонды промышленных предприятий ¹⁾			
		2017	2018	2019	2020
Sanoat jami	92000,8	132373,5	124610,3	23145,5	23145,5
ular ularda					
tog'-kon sanoati va ochiq konlarni ishlash	25876,0	33187,9	8480,6	57953,3	57953,3
ishlab chiqaradigan sanoat	47843,0	70240,2	85579,2	121827,0	121827,0
elektr, gaz, bug' bilan ta'minlash va havoni konditsiyalash	15988,6	25575,3	25709,8	44946,0	44946,0
suv bilan ta'minlash, kanalizatsiya, chiqindilarni yig'ish va utilitatsiya qilish	2293,2	3370,1	4840,7	6727,0	6727,0

¹⁾ Kichik korxonalar, mikrofirmalar va notijorat tashkilotlarsiz /
Без малых предприятий, микрофирм и некоммерческих организаций

Визуал материалларни тузиш ва расмийлаштириш

Маълумотларни визуаллаштириш (кўриб таҳлил учун қулай кўринишда тасвирлаш) статистик тенденциялар ва узвий боғлиқликлар тўғрисидаги маълумотларни тарқатишнинг муҳим элементи ҳисобланади. График ёки харита кўринишида тақдим этилаётган статистик маълумот, рақамларнинг узун рўйхатига қараганда китобхон учун анча тушунарлидир.

Шу билан бирга, унутмаслик керакки, график ёки харита кўринишидаги маълумотлар фақат маълум бир мақсадга эришиш воситасидир. Статистик ахборотдаги мавжуд ғоя, статистиклар ихтиёрида қандай замонавий техника воситалари мавжудлигини намоён қилишдан кўра анча кўп муҳимроқдир.

Визуал материалларни тайёрлаш жараёнида, уларнинг кенг аудитория томонидан осонлик билан тушунилишини, визуаллаштириш элементларидан фойдаланиш умумий қоидаларига амал қилинишини, шунингдек нотўғри талқин қилиш ҳолатларига йўл қўйилмаслигини таъминлаш зарур.

Статистик график – бу бир ёки икки ўлчовли тасвир бўлиб, ундаги статистик кўрсаткичлар тўплами шартли геометрик шакллар ёки белгилар ёрдамида тасвирланади.

Графикнинг турли таркибий қисмлари статистик тўплам китобхонининг эътиборини ўзига жалб қилади, шунинг учун махсус тайёргарликка эга бўлмаган фойдаланувчининг графикни тўғри тушунишини таъминлаш учун расмийлаштиришнинг асосий талабларига риоя қилиш керак.

Рангли графикда қуйидаги рангларни қўллаш тавсия этилади: яшил, кўк, бинафша ранг, ҳаво ранг, пушти ранг ва уларнинг турларидан келиб чиқиб, уларни тўқ рангдан оч рангга қараб (чапдан ўнгга, асосидан юқори қисмига) жойлаштириш керак. Рангларни қўллашда, улар рангининг графикнинг бошқа таркибий қисмлари билан мос келишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Оқ-қора рангдаги графикларда рангларнинг текстура ва безак усулларида фойдаланиш керак, рангли графикларни визуаллаштиришда бу усулдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Рақамларни графикларнинг ўзида акс эттириш керак, тўқ рангли фонда одатий рангдаги фон, рақамлар қора рангда, оч ранг фонда шрифт қора, фоннинг ранги шаффоф бўлиши керак.

Катак чизиқларнинг асосий чизиқлари кул рангдаги узлуксиз чизиқларда берилиши лозим (кул ранг 25%).

Турли хил ўлчамларни таққослашни кўрсатувчи графикда устунларни тасодифий равишда жойлаштирмасдан, уларнинг катта-кичиклигига қараб (ўсиб ёки камайиб бориши бўйича) кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Статистика тўпламида жойлаштирилган график етарли даражада аниқ, ифодали ва тушунилиши осон бўлиши керак.


Статистик тўпланда турли хил кўринишдаги графиклардан фойдаланиш лозим, шу билан бирга график турини аниқлашда қуйидаги тавсияларни инобатга олиш керак.

Графикнинг энг оддий тури – бу гистограмма бўлиб, у турли хил тоифадаги ёки туркумдаги катталикларни солиштиришда ишлатилади.

Гистограммалар вертикал ва горизонтал кўринишда бўлиши мумкин, гарчи горизонтал кўринишда матн осонроқ қабул қилинсада. Гистограмма устунлари улар орасидаги пробелларга нисбатан энлироқ бўлиши керак.

Якуний рақамларни ташкил қилувчи таркибий қисмларни намоён қилиш учун устунли диаграммалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


“Гистограмма (устунли диаграмма)” намунаси



Умумий ҳажмда ҳар бир тоифанинг улушини акс эттиришда, одатда жамланма гистограммалардан фойдаланилади. Статистик жамланманинг таркиби абсолют ёки нисбий кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Диаграмманинг ўлчами ўзгармайди (чунки ҳар қандай жамланманинг барча қисмлари йиғиндиси 100%ни ташкил қилади), фақат унинг алоҳида қисмларининг ўлчами ўзгаради.

**Kichik korxonalar va mikrofirmalarning amaldagi narxlarda
 Ё'z kuchi bilan bajarilgan qurilish ishlari hajmi
 (QQSsiz), turlari bo'yicha
 (fermer va dehqon xo'jaliklarisiz; foizda)**

**Объем строительных работ, выполненных
 собственными силами, в фактических ценах (без НДС)
 малых предприятий и микрофирм по видам
 (без фермерских и дехканских хозяйств; в процентах)**




Чизиқли графиклар жараёнларни узлуксиз синиқ чизиқли шакллар кўринишида тасвирлайди ва вақтли қаторлар тенденцияларини тасвирлашда энг қулай диаграмма ҳисобланади.

Одатда, чизиқли графикларда горизонтал ўқ бўйича даврлар (йиллар, ойлар ва ҳ.к.), вертикал ўқ бўйича эса тасвирланган ҳодиса ёки жараёнларнинг ўлчамлари жойлаштирилади.

Кўпинча чизиқли битта графикда турли кўрсаткичлар ёки айнан бир кўрсаткич динамикасининг киёсий хусусиятини ифодаловчи бир неча эгри чизиқ келтирилади. Бироқ, битта графикда учта-тўрттадан ортиқ эгри чизиқларни жойлаштириш керак эмас, чунки уларнинг кўп сонли бўлиши графикни албатта қийинлаштиради ва чизиқли диаграмма аниқ-равшанлигини йўқотади.

Ўқ шкаласи доимо 0 дан бошланиши лозим, фақат график майдонининг учдан икки қисми фойдаланилмасдан қоладиган чизиқли диаграммаларни тузишда ҳамда агар шкала 0 дан бошланмаган тақдирда, бу ҳодиса динамикасини тасвирлашда хатоликларга олиб келмайдиган бўлса, буни истисно қилиш мумкин.

“Чизиқли диаграмма (график)” намунаси



Айлана диаграмма кўринишидаги графикдан одатда бир ўзгарувчининг фоизларда тақсимланишини, яъни умумий йиғиндиси ҳар доим 100%га тенг бўлган улушлар қийматини тасвирлаш учун фойдаланилади.

Айлана диаграмма, фақат уни ташкил қилувчи қисмлар сони унча катта бўлмаган ҳолатда ўзининг аниқ кўриниши ва маъносини сақлаб қолади, акс ҳолда ундан фойдаланиш кам самара беради. Унда 5-6 тадан кўп бўлмаган қисмларни тасвирлаш тавсия этилади. Бундан ташқари, бўлимларга бўлинган диаграмманинг аниқлилик даражаси, уни ташкил қилувчи таркибий қисмлар ўртасида унча катта фарқлар бўлмаса камаяди; агар солиштирилаётган

таркибий қисмлар ўртасида сезиларли фарқлар бўлса, аниқлилик даражаси ортади.


Агар алоҳида гуруҳ ёки қисмга урғу бериш керак бўлса, буни таркибий қисмни (улушни) бир оз “чиқариб” ва/ёки ёзувни тўқроқ қилиб ажратиб амалга ошириш мумкин.

Вақт қаторларини тасвирлашда ҳеч қачон айлана шаклидаги диаграммалардан фойдаланмаслик керак.

“Айлана шаклидаги диаграмма” намунаси

**2021- yil 1- yanvar holatiga ro'yxatdan o'tgan
kichik korxonalar va mikrofirmalar sonining
iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha taqsimlanishi**
(fermer va dehqon xo'jaliklarisiz; jamiga nisbatan foizda)

**Распределение числа зарегистрированных малых
предприятий и микрофирм по видам
экономической деятельности на 1 января 2021 года**
(без фермерских и дехканских хозяйств; в процентах к итогу)




Мураккаб диаграмма кўринишидаги график бир неча қатор маълумотлардан ташкил топган бўлиб, уларда ҳар хил турдаги диаграммалар ўзаро боғланади, масалан гистограмма ва график.

Агар графикда турли ўлчов бирлигидаги иккита кўрсаткичлар динамикасини солиштириш керак бўлса, мураккаб диаграммадан фойдаланилади. Одатда, бундай жадваллар иккита кенг кўламли шкалага эга бўлади (ўнгда ва чапда). Мураккаб диаграммаларда ўлчов бирликлари изоҳда кўрсатиб ўтилади.

“Мураккаб диаграмма” намунаси

Mehnat bozorining asosiy ko'rsatkichlari

Основные показатели рынка труда




Навбатдаги график тури – бу демографик пирамида бўлиб, эркаклар ва аёлларнинг ёши бўйича тақсимланишини тасвирловчи иккита горизонтал тарзда жойлашган гистограммалар бирикмасидан ташкил топган.

“Йўналтирилган диаграмма” намунаси

Aholining jinsi va yoshi bo'yicha tarkibi
(2021-yil 1-yanvar holatiga; ming kishi)

Распределение населения по полу и возрасту
(на 1 января 2021 года; тысяч человек)



Статистик хариталар

Статистик хариталар, маълум бир ҳудудда у ёки бу ҳодисани тарқалиш даражаси ва ўлчамини тавсифловчи, макон тенденцияларини визуаллаштиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Схема тарзидаги географик харитада тасвирлаш воситалари бўлиб, штрихлаш, фонни бўяш ёки геометрик шакллар ҳисобланади.


Картограмма – бу схема тарзидаги географик харита бўлиб, унда харитага туширилган ҳар бир ҳудудий бўлинма чегараси доирасида бирор кўрсаткичнинг қиёсий содир бўлиш даражаси турли қалинликда штрихлаш, нукталар ёки маълум даражада ёрқин рангга бўяш ёрдамида кўрсатилади (масалан, вилоятлар ёки республикалар бўйича аҳоли зичлиги, туманларнинг дон экинлари ҳосилдорлиги бўйича тақсимланиши ва ҳ.к.).

Картограммаларда кўпи билан 2-3 кўрсаткични акс эттириш талаб этилади (фонни ҳисобга олган ҳолда), акс ҳолда карталар маълумотлар билан ортиқча тўлиб кетади.

“Картограмма” намунаси

Aholining zichligi
(2021-yil 1-yanvar holatiga; 1 kv.km ga to'g'ri keladigan aholi soni)

Плотность населения
(на 1 января 2021 года; число жителей на 1 кв.км)



Қайдлар учун саҳифаларни расмийлаштириш ва форматлашни стандарт намунага мувофиқ амалга ошириш лозим.

“Қайдаручун” намунаси

ДЛЯ ЗАМЕТОК

[illegible]

Якуний титул саҳифасида, тўплам номи, чоп этишга масъуллар (комплекс тўплам учун, шунингдек, бўлимлар учун масъуллар ҳам),

мурожат учун телефон рақамлари, буюртма рақами, адади, Давлат статистика қўмитасининг электрон манзили ва расмий сайти номи тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилади.

“Тўплам якуний титул саҳифаси” намунаси

О‘ЗБЕКISTON SANOATI ПРОМЫШЛЕННОСТЬ УЗБЕКИСТАНА

Arial, ярим қора (тўқ)
A4 – 15 пт
A5 – 12 пт

Statistik to‘plam

Статистический сборник

Arial, ярим қора (тўқ)
A4 – 12 пт
A5 – 10 пт

Nashrga mas’ul:

Ответственный за выпуск:

Yig‘ma-axborot ishlari boshqarmasi
Управление сводно-информационных работ

Arial, ярим қора (тўқ)
A4 – 12 пт
A5 – 9 пт

Bog‘lanish telefon raqamlari:

Контактные телефоны:
(998 71)
202-80-99, 202-81-23

Arial,
A4 – 12 пт
A5 – 9 пт

O‘zbekiston Respublikasi
Davlat statistika qo‘mitasi
Statistik materiallar
tarqatishni texnik
qo‘llab-quvvatlash sho‘basi

Сектор технической
поддержки
распространения
статистических
Государственный
Республики Узбекистан
по статистике

Arial, ярим қора (тўқ)
A4 – 12 пт
A5 – 9 пт

Buyurtma raqami № 2554
15.09.2021y.
Adadi 1000 nusxa

Заказ № 2554
от 15.09.2021г.
Тираж 1000 экз.

Arial, ярим қора (тўқ)
A4 – 12 пт
A5 – 9 пт

www.stat.uz
e – mail: gks @ stat.uz

Arial, ярим қора (тўқ),
курсив
A4 – 12 пт
A5 – 9 пт